

## ТАКРОРИЙ НОМИНАЦИЯ ТИЛ ИФОДА БИРЛИКЛАРИ ВАРИАТИВЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

**Анаарбоева Иродахон Ориповна**

*Андижон давлат чет тиллар  
институти француз тили  
назарияси ва амалиёти  
кафедраси катта ўқитувчиси*

Такрорий номинация вазифасида учрайдиган турли ифода воситалари харакатни номлаш жараёнида муайян семантема доирасида ёхуд жараён ифодасидаги кореферент боғланишда ўзига хос парадигматик уйғунлик яратади. Мазкур уйғунлик нутқ бирликларини маълум ифода майдонига мужассамлаштиради. Такрорий номинация ономасиологик жараённинг алоҳида аспектини ташкил этади ва нутқда ифода воситалари кўринишлари мажмуасини, нутқ меъёри ва ифода қонуниятлари талабларига кўра коммуникациясини шакллантиради.

Маъно ва ифода уйғунлигига кўра муайян ифода майдонига мужассамлашган номинатив ифода воситаларининг туркумлари – тил бирликлари вариативлигини яратади. Тил ифода бирликларининг хилма-хиллашуви асосида нутқда вариативлик яратиш тил ифода қудратини, салоҳиятини, имкониятларини белгилайди. Такрорий номинация нутқда ифода вариативлигини вужудга келтирувчи манбалардан биридир.

Тил семантик имкониятининг актуализацияси масаласи Г. Пауль томонидан қўйилган. [1]. Мазкур масала лексик сатҳда узуал ва окказионал тушунчалар билан боғланган ҳолда тадқиқ этилади.

Тадқиқотчи томонидан узуал маънога ижтимоий жихатдан шаклланган, яъни тил тизимиға мансуб лугавий маъно сифатида таъриф берилади. Окказионал маъно эса узуал маънонининг индивидуал нутқ жараёнидаги конкрет актуализациясини акс эттиради.

Актуализация масаласи Ш. Баллининг виртуал ва актуал белги назариясида ҳам кўтарилилган. [2]. Актуал ва виртуал тушунчалар Ш. Балли тасаввурида тил тизимидан жой олган тил имкониятлари ва ушбу имкониятларнинг борлиқقا айланиб, рўёбга чикиши, унинг нутқ фаолиятидаги ифодаси, яъни умумий тушунчаларнинг реал борлиқдаги конкрет вазиятлар, фактлар, предметлар билан боғланиши, ушбу тушунчаларнинг замон ва макондан жой олишидир. Актуализация жараёнида тушунчалар ҳажми аниқлашади, уларнинг мазмuni конкрет

кўриниш касб этади. Бу борада грамматик актуализация масаласига алоҳида эътибор берилади.

В. Шмидтнинг ишларида актуализация контекст воситасида полисемияни олиб ташлаш нуқтаи назаридан ўрганилади. [3]. Актуализация жараёнлари тадқики семантик синтагматика планида ифода воситаларини мулоқот жараёнида танлаб қўллаш муаммоси билан узвий боғланади. Номинация назарияси ва қиёсий типологияда тил ифода воситалари танланишининг ономасиологик жиҳатлари тадқиқот жараёнининг етакчи аспектларини ташкил этади.

Такрорий номинация В.Г.Гакнинг изланишларида кўпроқ семантик синтагматика доирасида кузатилади. Нутқда олим томонидан автоном (бирламчи номинация), ноавтоном (такрорий номинация) ва синтагматик боғлиқ номинация фарқланади. [4].

В.Г. Гак таъбири қўра, [5] мазмун планида ситуатив элементнинг акси семантемани ҳосил этади. Лекин семантик синтез муаммоси тадқиқоти сўзлар бирикуви қонуниятини ўрганиш масаласини нафақат лексик сатҳда, шунингдек семантик сатҳда ҳам ўрганишни назарда тутади.

Синтагматик жиҳатдан боғлиқ номинациялар замирида сўзларнинг семантик жиҳатдан бирикуви қонуни ётади.

Бу ўринда зарур фарқли аломатга монанд келадиган сема мажбурий ҳисобланади, ушбу семани ўзида мужассамлаштирган сўз эса маъно яхлитлигини сақлайди. Бунда гапнинг семантик структураси барча тилларда бир хиллигича қолади ва типологик фарқлар факат номловчининг ташқи шаклига дахлдор бўлиши мумкин: Она стояла неподвижно на берегу (К. Паустовский) *Elle etait debout ., immobile, au bord de l'eau.*

"Вертикал жойлашув" вазиятининг фарқли аломати ахборотни тўла узатиш учун (субъект бошқача туриши ҳам мумкин эди) мажбурий ҳисобланади. Монанд сема рус тилидаги матнда феъл орқали ва француз тилида равиш воситасида ифодаланган.

Икки маъноли вазиятда ушбу аломат фарқловчилик аломатини йўқотади ва монанд сема мавжудлашуви ёки гапнинг умумий ахборотига таъсир этмаган ҳолда тушиб қолиши мумкин:

Кузня его стояла на выезде  
village.

(К. Паустовский)

Sa forge etait a la sortie du

Бир вазиятнинг ўзини тасвирлашдаги турли имкониятлар семантик типология замирида ётади

Стоял холодный день (Паустовский)

La journee etait froide.

Ушбу вазиятда "вертикал жойлашув" аломати субъект табиатига зид тушади, "стоять" феъли сирасини олганда монанд семадан маҳрумлашган, предикация белгиси сифатида метафорик тарзда қўлланади.

Гапда семанинг такрор қўлланишида хусусий семантик (идеографик), экспрессив-эмоционал ёки функционал-стилистик мослашув кузатилади.

Такрорий номинация ифода моҳиятига кўра нутқ вариативлигини яратиш учун хизмат қиласди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955.
2. Galisson R. Analyse semique, actualisation semique, et approche du sens en methodologie//Langue fransaise, 1970, N 8.
3. Schmidt W. Lexikalische und aktuelle Bedeutung. Ein Beitrag zur Theorie der Wortbedeutung. Berlin, 1965.
4. Гак В.Г. Беседы о французском слове. М., 1966. Сопоставительная лексикология. М., 1977. К типологии лингвистических номинаций//Языковая номинация. Общие вопросы. М., 1977, стр. 287-293.
5. В.Г.Гак. Сопоставительная лексикология. М.,1977, стр.12-14.